

“Урганч ёғ-мой” АЖ акциядорлари диққатига!

Хурматли акциядорлар, “Урганч ёғ-мой” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2020 йил 29 февраль соат 10:00 да, Урганч ш., И.Дўсов кўчаси, 2 уйда ўтказилиши тўғрисида хабардор қиламиз.

Кун тартиби:

1. Умумий йиғилиш регламентини тасдиқлаш.
2. Умумий йиғилиш санок комиссиясининг сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
3. Корпоратив бошқарув Қоидалари тавсияларига риоя қилиш мажбуриятини қабул қилиш тўғрисида.
4. 2019 йил якуни бўйича жамият ташқи аудиторини тасдиқлаш ва унинг хизмати учун ҳақ тўлаш миқдорини белгилаш.
5. “Урганч ёғ-мой” АЖнинг янги таҳрирдаги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
6. “Урганч ёғ-мой” АЖ нинг 2020 йил учун бизнес-режасини тасдиқлаш.
7. Жамиятнинг шуъба корхонлари “Урганч Агроэкспорт” МЧЖни ва “Урганч истиқбол ёғдуси” МЧЖни тугатиш тўғрисида.

Умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар рўйхати жорий йилнинг 25 февраль ҳолатига тузилади.

Йиғилишда кўриладиган масалалар бўйича акциядорларга тақдим этиладиган материаллар билан танишиш ёки маълумот олиш учун қуйидаги манзил/электрон почта манзили ёки телефон рақамларига мурожаат этишингиз мумкин:

Урганч шаҳри, И.Дўсов кўчаси, 2 уй

e-mail: info@urganchyog.uz, urganchoil@umail.uz.

Тел: +998 (62) 224-57-57

Йиғилишда қатнашадиган акциядорлар ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.